

4

Малика ИБРОХИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:
**ХАЁТНИ СЕВГАН
ОДАМ ЕНГИЛМАЙДИ!**




5

**КИТОБСИЗ УЙ —
ЧИРОҚСИЗ УЙ**



6

**ИНТЕРНЕТДАГИ
ИБОСИЗЛИК**



8

**ЁЙМАДА
АРЗОН ДЕМАНГ**



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Абитуриент — 2014: Ҳаяжонли лаҳзалар яқин.

УШБУСОНДА:

Амударёда ёшлар фестивали	2
Фан номзоди — илғор фермер	3
Асалнинг яна бир номаълум шифобахш хусусияти	5
Сукут — оилани мустаҳкамлайди(ми?)	6
Васиятномани кимлар тасдиқлайди?	8

ҲИКМАТ

Миннат қилиш
берилган эҳсонни
йўққа чиқаради.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бошқаруви йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда кўмитанинг жорий йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда мазкур жамоат ташкилотининг "Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва оилани мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури" ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги режалар муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова бошқарди. Парламент аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ноқ хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги маъқеини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш, хотин-қизларнинг спортга кенг жалб этиш, масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, касб-хунар коллежларини битираётган қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллигини ошириш борасида амалга оширилган ишларнинг самараси эндиликда яққол намодан бўлмоқда. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақ-

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА



садида ишлаб чиқариш иншоотларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватини янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳамда касаначиликни йўлга қўйиш ҳисобидан жорий йилнинг олти ойи давомида 228 минг 800 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга жорий йилнинг январь-июнь ойларида республика тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан 521,4 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Савдо-саноат палатаси Марказий банк, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва коллеж битирувчиларида тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида республикамиз ҳудудларида "Тадбиркорлик — фа-

ровон ҳаёт пойдевори, банклар — обод турмушимиз гарови" мавзусида семинарлар ташкил этилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 49 фоизини қизлар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда, айна пайтда уларнинг бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, бандлигини таъминлаш, оила ва жамиятдаги маъқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўрта махсус касб-хунар таълими даргоҳларида жамоатчилик ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган махсус штаблар қизларни иш билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кўмитанинг қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳалари чекка ҳудудлардаги аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида лойиҳа доирасида 160 нафардан зиёд қишлоқ аёллари билан суҳбат ва учрашувлар ўтказилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг сур-асрорлари ўргатилди. Натижада 71 нафар аёлнинг бизнес-режаси тасдиқланиб, уларга имтиёзли кредит ажратилди.

Бошқарув йиғилишида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар соғлигини асраш, уларни ихтисослаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб этиш юзасидан "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳам кенг муҳокама қилинди. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудлардаги 5 миллион 772 мингдан ортиқ аёл ва салкам 6 миллион бола тиббий кўриқдан ўтказилди. Қизларни спортга жалб этиш, оилавий спортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар туфайли жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланаётган хотин-қизлар сафи тобора кенгаймоқда.

Йиғилишда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тўйларни ихчам ўтказиш, оила, никоҳ муносабатларини тартибга солиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, фарзандни соғлом ва баркамол вояга етказишда оналар маъсулиятини кучайтириш, бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда хотин-қизлар кўмитаси тузилмаларининг ишини самарали ташкил этишда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш юзасидан кизгин фикр алмашилди.

Мазкур йиғилиш доирасида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишиш ва тажриба алмашиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари пойтахти-

мизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Бўстон" маҳалласида ташкил этилган "Аёллар маслаҳат маркази", Чилонзор туманидаги 261-сонли мактабгача таълим муассасаси ҳамда Олмазор енгил саноат касб-хунар коллежида бўлишди.

Аёлларнинг оила ва жамиятдаги маъқеини мустаҳкамлаш, саломатлигини тиклаш ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш мақсадида "Бўстон" маҳалласида фаолият бошлаган "Аёллар маслаҳат маркази"нинг иш услуби йиғилиш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Икки нафар психолог, бир нафар ҳуқуқшунос, бир нафар тиббий ходим иштирокида жамоатчилик асосида бепул фаолият олиб бораётган мазкур марказга мурожаат этаётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Чилонзор туманидаги 261-сонли мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган "Зумрадойлар давраси" машғулотларига қатнашаётган қизалоқлар богча ёшидан "Тозалик — бу саломатлик", "Саломлашиш одоби", "Дастурхон одоби" каби гўзал миллий кадриятларимизни ўрганишмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги мактабгача тарбия муассасаларида ташкил этилган бундай давралар фаолияти яқин йилларда ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Олмазор енгил саноат касб-хунар коллежида ўрта махсус таълими даргоҳларида жамоатчилик ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган махсус штаблар фаолияти кенг таҳлил этилди ва битирувчи қизларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан кизгин муҳокама ва мунозаралар бўлиб ўтди.

**Ҳамроҳон
МУСУРМОНОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.**

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида "Юрт келажги — билимли, хунарли ёшлар қўлида" деб номланган ёшлар фестивали ўтказилди.

Фарзандларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олиши ва ўз иқтидорларини намоён қилиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб камолга етишлари учун, улар қалбида юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш ва тобора мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, ёшлар — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

Амударё туманида 2013-2014 ўқув йилида 76 та умумтаълим мактабини 2920 нафар ёшлар битирди, шулардан 1462 нафарини қиз болалар ташкил этади. Бугунги кунда уларнинг барчаси ўрта махсус, касб-хунар таълимига жалб этилди. Мазкур ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежларини 2894 нафар ёшлар битирди, шулардан 1393 нафари қизлардир. Ўрта махсус, касб-

хунар таълими даргоҳларини битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида туман хотин-қизлар кўмитаси қошида туман штаби ҳамда барча коллежлар ва академик лицейда коллеж ва лицей штаблари фаолият олиб боришмоқда. Штаб аъзолари томонидан битирувчи қизларнинг ота-оналари ва ўзлари билан суҳбатлар ўтказилиб, уч томонлама шартномалар асосида иш ўринлари ўрганиб чиқилиб, далолатномалар тузилган эди. Бугунги кунда ушбу иш ўринларига битирувчи қизларни жойлаштириш жараёни давом этмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган қизлардан 34 нафарига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар олишга ёрдам берилди ва бундай эзгу саъй-ҳаракатлар ҳам яна давом этмоқда. Қизларнинг 404 нафари олий ўқув юртига ўқишга кириш орзусида ҳужжатларини топширишди.

Туманимизда "Ягонасан, муқад-

дас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида бўлиб ўтган ёшлар фестивали ўрта махсус, касб-хунар таълими битирувчиларини муносиб рағбатлантириш ва уларнинг кейинги меҳнат фаолиятларини бошлашларига йўлланма бериш мақсадида ташкил этилди. Туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур фестиваль доирасида битирувчи ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Туманда фаолият олиб бораётган тадбиркор ва хунармандлар иштирокида тайёрланган кўргазмани битирувчи ёшлар зўр иштиёқ билан томоша қилишди ҳамда хунармандлар билан жонли мулоқотларда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Ушбу фестивалда аъло ўқиши, фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда эришган яхши натижалари, жамоат ишларидаги фаол иштироки ва намунали хулқи

билан ўз тенгдошларига ўрнатилган бир гуруҳ битирувчи ёшлар ва уларнинг устозларига туман ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Айниқса, тадбир доирасида тижорат банклари туман филиаллари ходимлари томонидан тадбиркорлик истагида бўлган бир гуруҳ битирувчи ёшларга имтиёзли кредит олишларини кафолатловчи тижорат банклари сертификатларининг топширилиши битирувчиларни илҳомлантириб юборди. Уларнинг 25 нафари қизлар эканлиги битирувчи қизларимиз ва уларнинг ота-оналарига янада мамнулик бахш этди.

Кўтаринки руҳда ўтган ёшлар фестивалига сазнаткорлар ўзларининг куй-қўшиқлари билан янада файз киритишди.

**Марям АҲМЕДОВА,
Амударё туман ҳокимининг
ўринбосари,
туман хотин-қизлар
кўмитаси раиси.**

Ёшлар фестивали

Гадбир

Иккита катта сунъий ховуз атрофида тол ва тераклар, мевали ва манзарали дарахлар шовуллаб турибди. Дунёнинг турли бурчакларида ўсадиган гуллари банан дарахтигача барқ уриб яшнапти. Шакароб қилиб сепилган сувдан тупроқ хиди таралади...

Бу таърифлардан бирор сихатгоҳ ёки ботаника богининг қай бир қисми ҳақида сўз кетаяпти, деб ўйлашингиз мумкин. Бекобод тумани "Дўстлик" ҚФЙга қарашли "Навбахор" маҳалласи ҳудудидаги

пайтларимда раҳматли қайнонамга икки талаба ўғлини ўқитиш осон кечмаган. Тошкент Давлат қишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги Аграр университет) нинг агрономия факультети аспирантурасида ўқиб, илмий изланишлар қилаётган эди. Мен эса талабалар ётоқхонасида уй иши билан банд бўлардим. Номзодлик ишини ҳимоя қилганидан сўнг қайнонам "Деҳқончилик илмини бир неча йил ўргандинг, болам, энди қишлоққа нафинг тегсин, дейман. Ёнимда бўлганларингиз ҳам яхши, кексайиб ҳам қолганман", деб

Орамиздаги одамлар

ларни дилидан кечиради. Хонадонимга барака кирсин, элга ризқ бўлсин, дейди. Тасаввур қилинг, мена отамдан бир гектар ер қолган эмас, у даврлар оғир эди. Юртимиз озод бўлгач, деҳқон ер эгасига айланди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда фермерликни ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилди, деҳқоннинг меҳнати қадр топди.

2004 йилга келиб, фермер хўжалигимизнинг ер майдони 81 гектардан ортиди, меҳнати ҳам ўзига яраша, албатта. Олган даромадларимиз эвазига хўжалик учун зарур техникаларни

харид қилдик. Икки йилдан буён катта ўғлим Шухратжон "Хўжааҳмад" фермер хўжалигимизни бошқармоқда, у ҳам олий маълумотли иқтисодчи. Ўқишни битириб келиб қанотимга киргани, деҳқончилик сирларини амалда жуда яхши ўзлаштирганидан хурсанд бўлдим. От изини той босяди, деганлари шу бўлса керак-да. Мана, ҳозир гайрат-шижоат билан ишлаяпти. Унинг раҳбарлигида бу йил галладан 60 центнердан ҳосил олинди, шартномавий режа удаланиб, ортган қисмидан оиламиз даромади ҳам 40 тоннадан зиёд ҳосил қолди. Шукрки, хонадонимиз тинч, дастурхонимиз тўқин. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофатидан.

Жорий йил бошида Хўжааҳмад ака туғилиб ўсган Сарюз қишлоғи тўғрисида "Сариюзликлар тарихи" китоби чоп этилди. Унда шу қишлоқда туғилиб ўсган, ҳаёти ва фаолияти барчага ибрат бўлгулик инсонлар ҳақида сўз юритилади, улар орасида Хўжааҳмад Бобомуродов ҳам бор.

Х. Бобомуродов ўз билан ва тажрибаларидан келиб чиқиб, маҳаллий наشرларда пахтачилик ишида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги, эришилган ютуқларни кенгайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги мақолалари билан ҳам фаол қатнашиб туради. Зеро, унинг ўз таъбири билан айтганда, олтин тупроқда деҳқоннинг эзгу нияти бўлган эл ризқи унади.

Нигора ҲУРОЛОВА,
"Оила ва жамият"
мухбири.
Тошкент вилояти.

БОЛА СОҒЛИГИ — КЎНГИЛ ЧОҒЛИГИ

РАХИТ КАСАЛЛИГИ

офтоб нури унинг
шифоси эканини унутманг

Рахит-полиетиологик касаллиги XVII асрда Англияда илк ўрганилган вақтларда унинг сабаблари маълум эмас эди. XX асрнинг 30-йилларига келиб, Д витамини мавжудлиги аниқланди. Ўтган асрнинг 60-йилларида мутахассислар рахитнинг асосий сабаби Д витамини етишмаслигидир, деган фикрга келдилар.

Кейинчалик қонда витамин Д метаболитлари концентрацияси аниқланганидан сўнггина Д витаминининг етишмас-



лиги рахит ривожланишининг ягона бўлмаса-да, асосий сабабларидан бири деб саналди. Ҳозирги замон тиббиётида бу касалликнинг бош сабаби фосфат ва кальций тузларининг етишмаслигида, деган яқиний хулосага келинган.

Рахит асосан бир ёшгача бўлган болалар орасида учрайди, шу боис айнан шу даврда гўдакларда бу касалликнинг олдини олиш чоралари ота-оналар, тиббиёт ходимларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Витамин Д алмашинуви жуда мураккаб жараён. Одатда, касалликнинг илк белгилари бола ҳаётининг 2-, 3-ойларида пайдо бўлади. Боланинг хатти-ҳаракатлари ўзгаради: безовталик, чўчиш, юқори кўзгалувчанлик, қалтираш (қаттиқ шовқин, тўсатдан ёруғлик тушиши ҳолатида) пайдо бўлади. Уйқуси ҳам юзаки ва нотинч бўлиб қолади. Бошининг соч қисми ва юзи терлайдиган бўлади. Тер нордон хидли эканидан терини ҳам ачиштириб, ҳам қичитади. Шунинг учун гўдак бошини ёстиққа ишқалайди, аста-секин энса соҳасида соч тўкилиши ҳам пайдо бўлади.

Касалликнинг ривожланган даври бола олти ойлик бўлган пайтига тўғри келиб, кўкрак сиқилганидан унинг қорни катталашиб кетгандек, ўзи эса букчайиб қолгандек туюлади. Кўёсевар ўсимлик узоқ пайт сояда қолиб кетганида нимжон бўлгани каби, рахитга чалинган бола ўсишда ўз тенгқурларидан орқада қолиши кузатилади. Бир қарашда бола улғайишидаги бундай нозик даврдан зарур парваришсиз ва муолажаларсиз ҳам ўтиш мумкин, аммо бу бепарволик натижасида боланинг кейинги ривожланишида рахитнинг асоратлари ҳамма вақт яққол намоён бўлиб туради. Касалликларга мойиллик, нимжонлик унга умр бўйи ҳамроҳлик қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам аввало бундай хасталикнинг олдини олиш, унга чалинган гўдакни албатта муолажа қилиш ва муолажаларни боланинг кейинги ўсиш даврида тўғри парваришларга улаб юбориш айна мудаодир.

Рахитни даволаш комплексли, узоқ муддатли ва бу касалликни қақирувчи сабабини бартаф қилишга қаратилган бўлиши ҳам лозим. Бунда носпецифик даволаш катта аҳамиятга эга, болани ёшига мос ҳолда, рационал овқатлантириш, кун тартибига риоя қилиш, офтобда чиниқтириш ана шулар жумласига киради.

Специфик даволашда эса шифокор беморга кальций, фосфор дорилари, витамин Д тавсия қилади.

Албатта, бола билан офтоб нурига чиқишнинг ҳам меъёри бор. Ўзбекистон шароитида болаларни ёз кунлари соат 7-8 оралиғида, қиш кунлари соат 9-10:30 оралиғида ёшига мос равишда 3-4 дақиқадан бошлаб 20 дақиқадан оширмаган ҳолда куёшда сайр қилдириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда мазкур касалликнинг олдини олишга қаратилган амалий ишларда бола туғилишигача ва туғилгандан сўнг **носпецифик профилактикага** алоҳида эътибор берилмоқда.

"Бола тарбиясини у туғилмасидан аввалроқ бошлаш керак" деган ҳаётий қондан рахит профилактикаси маъносида ҳам таъкидласак, янглишмаймиз. Олимларнинг аниқлашича, Д витамини инсоннинг қўл қафларига энг кўп пайдо бўларкан. Қўлни доимий совунлаб ювиш ҳам Д витаминининг камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Гўдакларнинг бармоқларини сўришга бўлган қизиқиши бир тарафдан ана шу витаминнинг етишмаслигидан бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас экан.

Сарвар БЕГАЛИЕВ,
Тошкент Тиббиёт академияси битирувчиси.

РИЗҚ УНАДИ ОЛТИН ТУПРОҚДА



"Хўжааҳмад" фермер хўжалигининг дала шийпониға борган кишида 'худди ана шундай таассурот уйғониши табиий.

Асли қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, бир қатор публицистик ва илмий оммабоп рисоалар муаллифи Хўжааҳмад Бобомуродовни бекободликлар деҳқончилиги илмини пухта билган, зиёли ва меҳнаткаш инсон сифатида яхши билишади, ҳурмат қилишади. Кенгликлар ястаниб ётган маконнинг қоқ ўртасида энг мароқли дам олиш масканларидан қолишмайдиغان, бир рўзгорни тебратиш учун бемалол етадиган зарур анжомлар ва шароитларга эга бўлган дала шийпониға келганимизда Хадичахон опа бизни кутиб оларкан, сўрига таклиф этди.

— Деҳқон бувангиз ҳозир далада, сув таралган гўзалар билан сирлашапоти. Отаси доим маслаҳат бериб, ҳамма ишга бошқош эканидан фермер ўғлим Шухратжоннинг ҳам кўнгли тўқ.

Хўжааҳмад ака билан турмуш қурганимизга салкам қирқ йил бўлди. Энди-гина келин бўлиб тушган

маслаҳат берди. Шунда кексаларнинг гапида ҳикмат бўлади, онамининг сўзини икки қилмаганим маъқул, дея қишлоққа қайтдилар. Шу хайрли ният билан туман равнақи учун бел боғлаб, мен мактабда муаллим бўлиб, умр йўлдошим эса қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилдик. Бирок, шаҳардан қайтиб келганимиздан сира афсусланмаганимиз, чунки ерларни ўзлаштиришда, экин майдонларининг рентабеллигини оширишда Хўжааҳмад аканинг ҳиссаси борлигини кўпчилик ҳалиям гапириб юради.

— 2001 йили 50 гектарлик ер майдонда "Хўжааҳмад" фермер хўжалиги ташкил топиб, орзуларимиз рўёбга чиқди, — дейди Хўжааҳмад ака Бобомуродов биз билан суҳбатда. — Ердан унумли фойдаланиш ва тупроққа зарур озиқни ўз вақтида бериш кераклигини англаб иш тутганман. Айни пайтда пахта ва галлачиликка ихтисослашган хўжалигимизда режалар ҳар йили ортиги билан бажарилади. Албатта, инсон бир қарич ерни ҳам обод этганида эзгу ният-

Малика Иброҳимова... Бу ажойиб актриса ҳақида гап очилса, "кенг масштабли ижодкор" дейишади санъатшунослар. Дилдан суҳбатлашиш истагимиз борлигини эшитган Малика опа аввалига бизни ўзи фаолият юритаётган Ўзбек Миллий Академик драма театрида саҳналаштирилган чет эл адаби Дарио Фо и Франс Раменинг "Ёлғиз аёл" моно спектакли томошасига таклиф этди. Бу саҳна асари чет элларда ҳам анча машхур эканлигини эшитган эдик. Энг қувончлиси, ушбу спектаклдаги роли учун қаҳрамонимиз "Йилнинг энг яхши актрисаси" мукофотиغا сазовор бўлди.

Малика ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

ҲАЁТНИ СЕВГАН ОДАМ ЕНГИЛМАЙДИ!

— Малика опа, биласизми, инсон ўтган ва ўтаётган умридан ўзи учун нималарнидир қабул қилади, хулосалар чиқаради. Унинг орзу қилган чўққига интилиб яшаши, демак, мен яхши яшадим, дейиши учун асос бўла оладими?

— Аслида ўз-ўзингни банд қиламан десанг, иш жудаям кўп. Қаергадир тоғора қилиб бориш, ким биландир кичи соатлаб валақлашиб ўтиришга тўғри келади. Ким биландир кулимсираб гаплашишнинг керак. Менинг назаримда инсон қанчалик соддаликка, самимийликка интилиб яшаса, умри файзли, осон кечади, деб ўйлайман. Эхтимол, сени бошида тан олишмас, қадрлашмас, барибир кейинчалик тушуниб етишадди. Оддий қилиб тушунтирай: ерни чопасиз, нималардир экасиз, сув қуюсиз, ниҳол унади, ўсади. Тасаввур қиялпасизми, ер ҳам "ижодкор", тўғрими? Қадалган нарсаси бефарқ эмас. Биз инсонлар эса жуда кўп вақтимизни беҳуда ишларга сарфлаб юборамиз. Ҳаётнинг нақадар қисқа ва ўткинчи эканлигини биламиз, лекин олтинга тенг бўлмиш вақтимизни баъзан ким биландир уришишга, қимларнидир муҳокама қилиб ўтиришга сарфлаймиз.

— Юнус Эмронинг вақт ҳақида шундай ибратли бир гапи бор: бу дунё шунчалик қисқаки, у эрталаб молларини бозорга ёйиб, кеч кирганда яна йғиб оладиган вақт оралигига ўхшайди. Шахсан сиз, ёнимизда елдек учиб ўтаётган вақтни нимага қийслайсиз?

— Ҳаммамиз биладиган оддий бир ҳақиқат шу: яъни бу дунёда энг қимматли нарсаси — ВАҚТ. Ундан тўлақонли фойдаланиш ҳар бир инсонга ҳам насиб қилмаган. Энг ёмони, беҳудага совуриланган лаҳзалар, бефойда ўтаётган умр... Ўғлим бир кунни китоб кўтариб келди. Стефан Цвейгнинг асари. Қаҳрамоннинг жигари касал, ўлимга оз фурсат қолган. Шунда кўп сирлар очилиб қолади. Қизи ёмон йўлга кириб кетибди. Хотинига унинг фақат пуллари керак. Бу инсон ҳаётини нимага сарфлаб юборганини эслаб даҳшатга тушади, топган маблағини оила аъзоларининг ейиш-ичишига, шохо-

на яшашига сарфлабди-ю, лекин келгусидаги берадиган меваси ҳақида ўйлабди... Даҳшатли кечмиш, тўғрими? Баъзида ўйлайсан-да: одамзодга яшаш учун пул керак, кийим-кечак керак, еб-ичиш керак, энг асосийси, ақл, дид-фаросат, савия керак. Агар яшаш учун сабр ва дид бўлмаса, минг азоб билан топган бойлигинг ҳавога совурилади. Шахсан мен "Пулсиз яшаш бахт" деган дабдабали гаплардан йироқман, лекин биринчи навбатда пул ишлатишда ҳам инсон ақлини ишлатиши керак. Бундан



қувона билиш лозим. Кимдир шоколадни, яна кимдир олмани яхши кўради. Лекин қайси бири организм учун фойдали-ю, қайсиси зарарли эканлиги ҳақида ўйлашимиз. Айтмоқчиманки, инсоният кундан-кунга табиатдан узоқлашиб кетаётгандек... Биринчи галда болаларга синтетик кийимлар кийдирамиз, бу ҳам етмагандек, синтетик таомлар едиришга ўрганиб қолдик. Инсон ер билан боғлиқ, ердан яралган. Муомала маданиятимизга ўта сохта нарсалар кириб келаяпти.

— Сиз бундан кўп йиллар илгари саҳнада халқимизнинг сеvimли қаҳрамони Тўмарис образини яратгансиз. Айтишларича, кўп актёрлар ёшлигида ижро этган ролларини соғинишар экан. Сиз-чи?

— Тўмарис саҳнада кам қўйилди. Очигини айтсам, тўйиб ўйнамаганман. Роль ҳам болага ўхшайди. Йиллар давомида ролингни парваришлаб, ўт-ўланлардан тоза-

лаб маҳоратингни ошириб борасан. Масалан, "Афандининг беш хотини" спектакли телевизорда кўп бор намоёйиш этилган. Аслида мен талқин этган роль кичкина. Лекин кўча-кўйда кўрганлар менга доим шу ролимни эслатиб туришади. Тўмарис ролига келсак, бу ўзига хос образни ҳамон соғинаман, бу мард ва жасур аёлнинг ички туйғулари, ёруғ орзулари мени изтиробга солган.

— Энди оила мавзусига ўтсак: икки набиранинг бор. Уларда ўғлингизнинг қайси бетақдор жиҳатларини кўрасиз?

— Эсимда: қайси йил илк баҳорда уйим олдидаги бир парча ерга уруғ ташладим. Ёмғир ёғиб кўкариб чиқди. Бу манзарани тасвирлаш мушкул. Ўз меҳнатинг мевасини тотиш эса ундан-да тотли ва ширин. Шу маънода сен боланинг ҳам юрагига уруғ ташлайсан. Уруғ гуркираб ўсиб чиқади. Биз ожиз бандалар баъзан билиб-билмай ёмон уруғларни сепиб қўйганимизни ҳам билмай қоламиз. Ана шундан арасин. Набиралар ҳар кунни мени кўришганида югуриб келишиб, кучишганини, эр-каланишганини кўриш, бағримга босиб эркалаш катта бахт. Селган уруғининг кўкариб чиққан нишонасида шу!

— Тўкис бахт формуласи борми?

— Бир аёлнинг қатагон йилларида бошидан жуда ҳасратли кунлар ўтган, ҳатто уни беайб қамаб юборишган экан. Орадан йиллар ўтиб бошидан ўтган воқеаларни китоб қилиб ёзибди. Унга бир аёл мактуб ёзиб, "Сизга жуда ҳавасим келди, жудаям бахтли аёл экансиз. Ўйлаб кўрсам, менинг ҳаётим сув устидаги пўкакка ўхшайди. Дунёда неки азоб, неки машаққат бўлса кўрибсиз, менинг ҳаётим жуда мазмунсиз ўтаётти. Яшаш учун ҳам катта матонат керак экан", дебди. Мен Достоевский асарларини кўп ўқийман. Қаҳрамонларининг ҳаёти жуда оғир кечгандек туюлади. Дунёда шундай гўзал туйғулар борки, айримлари юксак, айримлари азобли. Мана шундай туйғулар гирдобда яшаган одам бахтлими ёки фақат еб-ичиш, яхши яшаш, ҳаётини бесамар, мазмунсиз ўтказётган,



оламда нима воқеалар бўлаётганидан беҳабар одам бахтлими, деган савол доим ўйлантиради.

— Актёрлар орасида пардалар соат олтида очилади, деган ибора кўп айтилади, бунинг бирон сири борми?

— Ҳозир сиз билан гурунглашиб ўтирибмиз. Бир ярим соатдан кейин "Рустам" спектакли бошланади. Кичик ролим бор. Неча йилдан бери саҳнадамиз, лекин ҳамиша ҳис-ҳаяжон, томошабиннинг нигоҳи босиб туради. Битта ролни тасодифан зўр қилиб ўйнаш мумкин, лекин бу профессионаликка кирмайди. Ўз соҳасини мукамал билган актёр етук ҳисобланади. Сартарош битта одамнинг сочини олиб, қолганларникини ололмайман, демайди-ку. Ҳар қандай миҳознинг талабини адо этиш унинг вазифасига киради. Ижод дегани бу илҳомга боғлиқ. Лекин асосий қисми бу — меҳнат. Шоир, ҳайкалтарошнинг иши илҳом келишига боғлиқ кечиши мумкин. Аммо биз актёрлар кечки соат 6.00 да парда очилди, бас, илҳом келишини кутиб ўтиролмаймиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам асарда тасвир этилган ҳолатларни томошабинга етказиб беришга бурчлимиз. Дейлик, "Ёлғиз аёл" да, кўрдингиз-ку, декорация йўқ, мусиқа, ҳаракатлар йўқ, бир соату ўн дақиқа фақат стул устида ўтириб роль ижро этдим. Аммо муаллиф ёзган воқеаларни томошабин тасаввурда жонлантирдими-йўқми, бунга баҳони мен бера олмаман...

— Малика опа, ниҳоят сўнги савол: умр инсонга бир мартагина берилади, унинг мазмун-моҳиятини қандай белгилаш мумкин?

— Яшаш, истайсизми, йўқми, жуда мураккаб. Билиб-билмай кўп хатолар қиламиз, кўпинча айбларимизни, хатоларимизни тан олавермаймиз. Аслида нима учун яшаганимизни, яшаётганимизни таҳлил қилишга ўрганишимиз, бир парчага юрагимизга қулқот тутишимиз зарур. Чеховнинг бир гапи бор: "Ҳар кунни овқат еймиз, сув ичамиз, нафас оламиз, лекин қалбни, юракни озиклантириш ҳақида ўйлаб кўрмаймиз". Айрим пайтларда турмуш ташвишлари одамни анча толиқтиради. Бу ҳам бир синов-да, шундай пайтларда енгилмасликнинг энг осон йўли: бу — ҳаётни севиш, сабрли бўлиш, шукрона айтиш!

Меҳринисо ҚУРБОНОВА
суҳбатлашди.



АНЪАНА — ҳаётда қарор топган удумлар, урф-одатлар ва бошқа шу каби амаллар тилимизда "анъана" сўзи билан ифодаланади. "Анъана" сўзининг туб илди-зи "наслед-наслед" ўтувчи қоида" деган маънони англатган. Шунингдек, бу сўзнинг янада қадимийроқ маъноси "бир-бирига узатди" деган мазмунни ифодалаган.

Шундай эзгу анъаналаримиз борки, уларнинг шаклланиши учун бир неча минг йиллик тарихий тажриба керак бўлган.

Газетадан

ИНШО ВА ИНШОТ — тилимизда "иншо" сўзининг баён ёхуд адабиётдан ёзма иш тури, "иншоот" сўзининг эса, йирик қурилиш ёхуд катта бино маъноларини англатишини яхши биламиз. Гарчанд бу сўзлар бир-биридан йироқ маънони англатса-да, аслида улар битта илдиздан ўсиб чиққан. Яъни "иншо" ва "иншоот" сўзларининг туб илди-зи "тузди", "қурди" деган маъноларни англатади.

Мактабда ўқувчиларга иншо ёздириш уларнинг дунёқарашини ва фикрлаш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Газетадан

Ўзига хос услубда қад кўтараётган бу иншоот ҳали қурилиб битмасдан туриб, ҳаманинг эътиборини жалб қилган эди.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

КИТОБСИЗ УЙ — ЧИРОҚСИЗ УЙ

...Болалигимда опам мени мактаб ёнидаги кутубхонага етаклаб борган ва унинг икки табақали ёғоч эшиги мен учун бутунлай янги оламга йўл очганди. Китоблар менинг тасаввуримни дўппидек қишлоқ доирасидан чексизлик қадар кенгайтирди.

Йиллар ўтди. Бугунги кунга келиб: “Баъзи ёшлар китоб ўқимай кўйди”, деган сўзлар кулоғимизга тез-тез чалина бошлади. Бунинг сабабини ўрганар эканмиз, интернетни қоралаш, вақт тигизлигидан нолишдан нарига ўтолмаяпмиз. Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрсакчи? Муаммонинг бир учи — бизнинг ўзимизга боғлиқ эмасмикан?

Хонадон иқлими


Зиёли, маърифатли бир танишим билан суҳбатда масаланинг шу жиҳати юзага чиққандек бўлди.

— Яқинда чекка туманда яшайдиган дугонамни йўқлаб бордим, — дея гап бошлади у. — Институтда беш йил бир хонада яшаб, ўқиган эдик. Ўртоғим бизни кўриб жуда қувонди. Гап орасида эски китоб жавонига ишора қилиб: “Кеча анчадан бери излаётган китобимни топдим, қара!”, дея суюнчиларкан, кўлимга Шавкат Раҳмоннинг “Абадият оралаб” номли сайланмасини тутказди. Димогимга “Гул” этиб янги китоб хиди урилди. Юрагим орзикиб кетди. Жавонидаги китобларга кўз ташладим. “Ўткан кунлар”, “Дунёнинг ишлари”, “Оқ кема”, “Уруш ва тинчлик”, “Горио ота”... Алоҳида бир қаторга Президентимиз асарлари, юртимиз тарихи ва географиясига оид китоблар териб қўйилганини кўриб, тўлқинланиб кетдим. “Болалар шу китобларни ўқиб, ўсишлари керак-да”, дейди дугонам куюнчаклик билан. Назаримда, мана шу китоб жавони унинг одмигина турмуш тарзини нурафшон этиб тургандек эди. Ўғил-қизларининг бурро-бурро сўзлари, дадил бахшлашиши эътиборимни тортиди. Китоб ўқиган бола бошқача бўлади-да.

Уйга қайтарканман, йўл бўйи ўйланиб келдим. Мен фарзандларимга шинам уй, тўкин ҳаёт, ҳар бирига алоҳида ноутбук ҳада қилибману, йилда бир марта бўлса-да, уйимга китоб кўтариб қирмабман. Ҳашаматли турмушим аслида нақадар ғариб эканлигини англаб даҳшатга тушдим. Болаларимдан уялиб кетдим... Ўшандан буён китоб жавонимни тўлдириш билан бандман. Лекин болаларим ўқишга шошилишмаяпти...

“Жазо ёзаяпман”

Кенжа фарзандимиз талаба. Китоб ўқишга меҳри баланд бу бола ўқишга кирганидан бери биронта бадиий асарни ўқиб тугатганини эслолмайман. Шу ҳақда гап очсам, доим бир хил жавоб оламан: “Нима қилай, сира вақтим йўқ!”. Кўпинча ёзишдан бўшамайди. Бу яхши, албатта. Лекин гап унинг НИМА ёзаёт-



ганида. Бу ҳақда сўрасам: “Жазо ёзаяпман”, дея изоҳ беради. Айтишича, маълум фандан ҳар бир қолдирган соати учун (бир соатига 50 (!) бет) консепт ёзиши керак экан. Оралиқ назорат тестларида битта нотўғри жавоб бера, бунинг учун ҳам шунча қоғоз қоралаб бериши шарт. Бир амаллаб варақни тўлдирса, “жазо ёзиш”дан қутилади. Бундай пайтда талаба худди роботдек нима ҳақда ёзаётганини англамай қоғоз қоралайди.

Бундай “антика жазо” охир-оқибат саводсизликка олиб келмайдими? Ўзи кўп ўқийдиган, қалбан зиёли устозлар ўқувчининг қиммати вақтини бу тарзда совурмайдилар. Аммо изланишдан тўхтаган, “қуним ўтса бўлгани” тарзида ишлашга одатланиб қолган айрим ўқитувчилар мана шу мантисиз усулнинг оммаланиб бораётганига сабаб бўлишмоқда. Бунга кўз юмиб бўлмайди.

Ўзим ўқимасам....

Вилоят газетасида ишлаб юрган пайтларим “Ўзим ўқимасам...” сарлавҳали мақолани чоп этгандик. Олис тумандаги қишлоқ мактаби ўқитувчиси: “Ўзим ўқимасам, болаларга нимани ўргатаман?” дея мунтазам китоб ўқиши, билимини бойитиб бориши зарурлиги ҳақида мулоҳаза юритганди. Бугун ана шу саволни биз катталар ҳар биримиз ўзимизга бериб кўрайлик: ўзимиз ўқимасак, ёшларга — фарзандларимизга нимани ўргатамиз? Ўзимиз китобни севмасак фарзандлар қалбиди мутолаага интиқликни, китобга меҳрни қандай уйғота-

Бугуннинг гапи

миз? Ахир биз ота-оналар — фарзанд учун биринчи муаллим эмасмизми?

Тўғри, табиатан мутолаага мойиллиги йўқ одамлар бўлади, буни нуқсон дейиш ҳам нотўғри. Ана шундай кишилар ҳам болаларининг дунёқараши кенгайиши, тафаккур қилишлари учун вақти-вақти билан китоб совға қилиб туришлари мумкин-ку!

“Ўқишдан тўхтаган куним фикрлашдан тўхтаман”, деган экан алломулардан бири. Ҳа, китоб шубҳасиз фикрнинг, тафаккурнинг замини, ҳаракатлантирувчи кучидир. Эзгу фикрларни уйғотишга хизмат қилувчи олижаноб туйғуларни тарбиялашда китобдек содиқ муаллим, мутолаадек самарали усул бўлмаган!

“Болам шундоғам кўп дарс қияпти, энди бадиий китоб билан миясини ачитайми?” дегувчилар ҳам, афсуски, орамизда йўқ эмас. Адашманг, бадиий адабиёт болага маънавий озуқа ва ҳордиқ беради. Фанлар билан шуғулланиш оралиғида бадиий асар ўқиган боланинг зўриққан мияси бир оз чалғиб, дам олади. Ҳаётнинг жилокор рангларини қалбан туяди, кўнглига эзгу ҳислар, яхшилик туйғуси инади.

Биз тезкор замонда яшаяпмиз, давр шиддати аввало ёш нихоллар — болаларимизга даҳл қилмоқда. Мутолаанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у руҳий мувозанатни тиклайди ва турли зарарли ахборот хуржларига нисбатан иммунитет ҳосил қилишга ёрдам беради.

Ўз олдига юксак маънавиятли баркамол авлод тарбиясини максад қилиб қўйган мамлакатимизда ёшларни китобсевар қилиб тарбиялашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида юртимизда барча соҳалар каби, ноширчилик ҳам сезиларли ривожланди. Йил сайин сони ортиб бораётган китоб дўконларига кириб, ранг-баранг расталарга назар ташласангиз ақлингиз шошади. Миллатимизнинг бой адабий мероси ўқувчига юқори сифатли наشرлар воситасида ҳавола этилмоқда. Бугун ҳар бир китоб мажмуасида жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини топиш мумкин. Айниқса, болалар ва ёшлар учун мўлжалланган адабиётлар бисёр. Ахборот ресурс марказлари замонамизнинг барча талабларига жавоб беради — кенг, ёруғ, тафаккур бобиди мисли йўқ...

Бир сўз билан айтганда, бугун болаларимизнинг китоб билан дўстлашишларида имконлар кўп. Уларнинг қалбиди мутолаага меҳр уйғотиш, зийрак китобхон руҳини тарбиялаш биз ота-оналарнинг зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Гулчехра АСРОНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири,
Фаргона вилояти.

Ўқинг, кизик...

АСАЛ ВА БАКТЕРИЯ ТАЁҚЧАЛАРИ

Америкалик мутахассислар асал баъзи дори-дармонларнинг кучи етмайди-ган бактерия таёқчаларини нобуд қилиш ва кўпайишини

тўхтатиш хусусиятига эга, деб ташвири ш-моқ-да. Шифо-корлар нафас йўлларидаги сурункали бактериял юкми-ли касалликларда асалдан фойдаланишни тавсия қилишади.



ТЕРИ АЛЛЕРГИЯСИ уни нима чақиради?

Махсус нам салфеткалар, чойшаб учун кондиционерлар, суюқ совунлар тери аллергиясини келтириб чиқаради. Чунки бундай гигиеник воситаларда кўл, юз ва жинсий аъзоларга тошма чақирши эҳтимоли бўлган моддалар бор. Айниқса, аллергияга мойиллиги бор бўлган кишиларга оддий анъанавий гигиена воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

АҚЛИЙ МЕҲНАТ ВА ЖИСМОНИЙ ЧАРЧОҚ

Ақлий меҳнат билан шуғулланган одам нега ўзида жисмоний чарчоқ сезишининг сабабини олимлар шундай изоҳлашмоқда: бир хил ҳолатда узоқ ўтирганда тананинг ҳаракатсиз турган қисмларида қон ва тўқималардаги суюқликларнинг тури боқилиши мускулларда толиқиш пайдо қилади. Бу эса кишида худди жисмоний ҳаракат туйғайли чарчаган каби тасаввур уйғотади.

“АИФ” материаллари
асослари
тайёрланди.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 оий ўқш, 2 оий амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тиқиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1

ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тиқиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Кварвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Куйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭЪЛОН!

25.06.2013 йилда Маҳкамов Зиёдулла Зикруллаевич номига берилган шахар йўловчи транспортида бепул юриш ҳуқуқини берувчи О'z'R №001746-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олмазор тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган, молия ҳўжалик фаолиятини олиб бормаётган «BEAR» СТИР 201992518 қўшма корхонаси Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 26 мартдаги №10-1417/3527(21)-т-сонли ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли корхонанинг таъсис ҳужжатлари, Давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома, думалоқ муҳр ва бурчак штампи БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Даъволар 2 ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қорасарой кўчаси, 269-уй.

Тел.: 140-94-30.

ИНТЕРНЕТДАГИ ИБОСИЗЛИК

...Бу икки ҳамкасб аёлнинг иноқлигига кўпчилик ҳавас қиларди. Ҳатто уларнинг турмуш ўртоқлари ҳам бир-бирларини ниҳоятда хурмат қилишар, оилавий борди-келди бу муносабатларни янада яқинлаштиради. Икки оиланинг бирида ўғил, бирида қиз улғаяётганди. Кутилганидек, вақти соати келганида ўғилнинг ота-онаси қадрдон оилага совчи бўлиб боришди. Йигит-қиз ҳам бир-бирларига бегона эмасликларини учун рози-ризолик билан тўй таратди бошланиб кетди.

Икки қуда бўлиш аёллар бозорга бирга боришар, ёшларнинг эртанги рўзғорига керакли каму кўстларни ўзaro маслаҳатлашиб, бирга харид қилишарди. Уларнинг ўртасида шундай самимий муносабат бор эдики, ҳавас қилмай иложингиз йўқ.

Тўйга ҳам оқолди. Атиги йигирма кун. Афсуски, бир куни...

Йигит онаси билан ёлғиз гаплашиб олишни истади. Хавотирга тушган она ўғилнинг юзига ҳадик билан тикилди:

— Нима гап, ўғлим, келин билан аразлашиб қолдингларми?

— Қанийди, шундай бўлса, ойи, кўнгли бузуқ бу қизга икки дунёда ҳам уйланмайман!

— Бу нима деганинг, тушунтириброк гапир-чи!

— Бир ҳамкасб дўстим менга анчадан бери интернет орқали бир қиз билан гаплашиб келаётганини айтиб: "Жуда гўзал, келишган, танишсанг-чи" деб қолди. У ким дейсизми, не кўз билан кўрайки, «Одноклассники»да гаплашиб юрган қиз — сизнинг бўлажак келинчингиз экан!

— Вой шўрим, бу нима деганинг?


— Унинг ёзишмаларини ўқиб, профилига жойлаган суратларини кўриб, уятдан ерга кириб кетай дедим. Нима десангиз денлар, аммо мен унга уйланмайман. Мен билан кўришган пайтдаги ноз-карашмалари, уялиб туришлари ниқоб экан...

Она аввалига нималар бўлаётга-

нини тушуна олмади. Ўғилнинг куйиниб айтиб берган изоҳларидан сўнг англагандай бўлди ва ўша кунийек бор гапни қизнинг онасига айтиб берди. Отанинг ўзи ҳаммасини текшириб кўргач, йигит томондан кечирим сўради...

Хозир бу оила бир-бирларига бегона. Қизнинг онаси юзи чидамадим, иш ҳолини ўзгартирди.

Қизинининг «ўргимча кўри» деб таърифланган бало боис



ҳаёсизлик томон

ташлаган қадами қимматга тушди. Унга ҳалиям совчи келгани йўқ...

— Узоқ суриштирувлардан сўнг қизимга корейс тилидан яхши ўқитувчи топдим, — дейди таниш аёл. — Қизимни курсга олиб борганимда, ўқитувчини кўриб кўнглим ёришиб кетди. Шунчаки чиройли қизки, беихтиёр қанийди шунақа келиним бўлса, деб юборасиз.

Кўнглим хотиржам бўлиб, у билан келишдим. Қизим ҳафтада уч кун унинг ҳузурига бориб, сабоқ оладиган бўлди. Орадан икки ойлар ҳамаси ўтгач, ўша ўқитувчи қиз қизимни туғилган кунига таклиф этибди. Меҳмондорчиликда бирга суратларга тушишибди. Қизим суратларни акасига кўрсатётганди, ўғлим бирдан асабийлашиб кетди.

Ойна

— Ойи, бу қизни ким топди?
— Ўзим, нима бўпти?
Ўғлим жавоб ўрнига телефони ковлади-да:

— Манавиларни бир кўриб олинг, қизингиз бошқа унинг ёнига бормасин, — деди ва уйдан чиқиб кетди.

Қарасам, ҳалиги ўқитувчи қиз тушмагур интернетга ярим-яланғоч ҳолда тушган суратларини шунақа кўп жойлаштирибдики, қизимнинг олдида бўларим бўлди...

— Нега ажрашаётганимизни ўғлингиз тушунтириб беради, дада! — келиннинг аламзадалик билан айтган гапларини қайнота тушунмади. Ўғлига саволмуз тикилди.

— Ҳа, энди йигитчилик... — мингирлади йигит.

— Йигитчилик эмас, шармандачилик! — келин газабдан баттар тутқди. — Шундай телефони чикарганниям, интернетни ўйлаб топганиям уйи қуйсин...

Келин уввос солиб йиғлаб юборди. Ота ўғилни қистовга олди. Маълум бўлишича, йигит интернетда бир қиз билан танишиб қолибди. Уларнинг бир-бирига ёзган хатларини ўқишга ўз чадамайди. Қиз боланинг эркакка шунақа гапларни ёзиши ақлга сизмайди. Аммо бу ҳақиқат эди...

Бу каби кўнглисиз воқеалар ҳар биримизни ҳушёрликка чорлаши керак. Нега катта ҳаёт остонасида турган айрим йигит-қизлар ижтимоий тармоқларга бу даражада ружу қўйишмоқда, деган ҳақли савол туғилади. Сўнгги русумдаги кўл телефонлари орқали ижтимоий тармоқларда «фаол» бўлганлар ҳар қанча ўз номларини яширсалар-да, уларнинг асл қиёфалари бир кун кўришиб қолишини хаёлларига келтирмаётганимиз?

Оналар (оталарга эсантмасакда, билишар деган умидимиз бор) га айтар гапимиз шу: ўзингизни ҳадеб рўзгор ишларига кўмилиб кетганингизни рўқач қилмасдан, эртага бошингиз эгик, кўларингиз ёшга тўлмасидан аввал, қизларингиз кўлидаги телефонни текшириб туришни унутманг. Биргина СМС сабаб бахтини бир умрга йўқотган, фожиага йўлиққан, тўғри йўлдан адашаётганлар қисмати сизга сабоқ бўлсин!

Шахло ТОШБЕКОВА.

Биласизми?

ЁЗДА ИССИҚ, ҚИШДА СОВУҚДАН АСРАЙДИ

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида кондиционер ўрнатилган муздеккина хонада ишлаш ва ором олишга нима етсин. Эндилликда бу техника анжоми ҳатто қишда ҳам одамларга ўз хизмати билан асқотмоқда. Кондиционерларнинг ёзда хонани совутиб, қишда иситиб берадиган хилма-хил, бежирим турлари бозор ва дўкон расталарини эгаллаб улгурди. Унга талаб ва эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.

Юртимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис кўл телефонлари, музлаткич ва бошқа кўнглик уй-рўзгор буюмлари қаторида эндилликда кондиционерлар ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани қувонарли, албатта.

— Кондиционер харид қилаётганда унинг қандай материалдан ясалгани ҳамда ички қисмларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, — дейди мутахассис Ҳабибулло Раҳимов. — Ушбу техника анжомининг асосий компоненти бу компрессордир. Истеъмолчиларнинг аксарияти спиралли кондиционерларни танлашади. Чунки у нисбатан камроқ овоз чикаришдан ташқари, электрэнергияни ҳам тежайди.



20 квадрат метрга — 9000 БТУ, 30 кв.м. га — 12000 БТУ, 50 кв.м. га — 18000 БТУ, 60-70 кв.м.га — 24000 БТУ қувватига эга бўлган кондиционерлар танлангани маълум. Узоқ ва сифатли хизмат кўрсатиши учун уни махсус мутахассис ўрнатгани мақсадга мувофиқдир. Харид қилаётганда, кафолат талони ҳамда сервис асосини сўраб олишни унутмаслик керак.

Жаҳон бозори стандартларидаги кимтабахо кондиционерларнинг биофильтр хизмати мавжуд бўлиб, бу хонани чанг, бактерия ва бадбўй ҳидлардан тозалайди. Шунингдек, ушбу турдаги кондиционерлар автоматик ҳолатда ички қисмини ҳам тозалаш хизматига эга.

Сифатли кондиционернинг тизимли автоматика ва диагностикаси яхши жиҳозланган бўлади. Муддати ўтган кондиционернинг музлаткичидан сув оқа бошлайди. Бундай пайтда унинг ичига жойлаштирилган фреони тез бузилади. Сифатли кондиционерлар ҳар хил ҳолатларга бардош бериши, автоматик ўчириб-ёқилиши ҳамда ҳимоя тизимига эгаллиги билан ажралиб туради. Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим: электр тармоқдаги узиллишлар сабабли ўчиб ёнганда олдингига нисбатан кучлироқ овоз чикаради. Вентилятор ҳамда фреоннинг қайнаши оқибатда юзага келадиган бу овоз асабга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Кондиционерлардан фойдаланаётганда эҳтиёт чораларини кўриш, хонани меъёридан ортиқ даражада совиб кетмаслигига эътибор бериш лозим. Айниқса, болалар ва кекса ёшдаги кишилар ўтирган хона ҳароратини назорат қилиб туриш керак. Акс ҳолда саломатликка зиён етиши эҳтимоли юзага келади.

Уй бекалари кондиционер ва бошқа уй-рўзгор анжомларини кредит йўли билан харид қилишлари учун юртимизда махсус дўконлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, тўлов шартнома асосида ойма-ой амалга оширилади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

СУКУТ ҚУДРАТИ

Оила тиласми

...Фариданинг уйида сира тинчи йўқ. Эри билан гапи гапига қовушмайди. Арзимаган нарсалар устида ҳам тортишиб, жанжаллашиб қолишади. Гоҳида ҳафталаб аразу гинахонлик аримайди. Фарида эридан, эри эсандан ҳамини норози. Иккови ҳам бир-бирига ён беришни исташмайди. "Бу аҳволда яшаб бўлмайди, — деди эри навбатдаги жанжаллардан бирида. — Бўлди бас, сенга ортиқ тоқат қила олмаيمان. Ажрашамиз!" Бу гапни эшитган Фарида устидан бир челақ совуқ сув қуйилгандек сесканиб кетди.

Эри билан ажрашса, гап-сўз кўпайиши, эл-юрт олдида ота-онанинг қадди букилиши, ортидан буй тортиб турган икки синглисининг бахт йўли ҳам тўсилиши тайин эди. У ўйлай-ўйлай, "Турмушимни кўра олмайдиганлар оилам нотинч бўлиши учун иссиқ-совуқ қилганмикан", деган хулосага келди. Кимдан наҳот излашини билмай, маҳалладаги уришганларни яраштириб, оилаларда илиқ-иссиқ муҳит яратиши билан ном чикарган бир отахоннинг олдида борди. Уйдан жанжал аримаётганини ва кўнглидан кечаётган шубҳаларини унга тўкиб солди. Гап орасида: "Бизни бир-биримизга ҳиситадиган дуоларингиз

йўқми, мабодо", дея сўради. Отахон унга бир шишани узатиб: "Эринг ишдан қайтгандан кейин унга сано м бергин-да, идишдаги сувни ичиб, ютиб юбормай, билиб-билиб ишингни қилавер, насиб бўлса, шишадаги сув туғагунча ҳаммаси изига тушиб кетади", дея тайинлади.

Фарида уйига қайтгач, отахоннинг айтганини қилди. Эри: "Чойни аччиқ дамлабсан", "Кўйлагимни яхши дазмолламабсан", "Овқатингнинг тузи паст", дея ундан ҳар қанча айб изламасин, лом-мим демай, юмушларни бажараверди. Хотинининг мулоҳазали ва камгап бўлиб қолганини кўрган эрининг унга меҳри товланиб, ажрашиш ҳақидаги гапи учун узр сўради. Орадан кунлар ўтгани сайин уларнинг уйига тинчлик-хотиржамлик қайтди.

Фарида отахоннинг ҳузурига бориб, миннатдорчилик билдирди. У киши эса сирли кулимсираб: "Қизим, идишдаги оддий сув эди. Тилингни тия билмаслигинг сабабли оиланг нотинч бўлган. Мен шунга чора изладим, холос", дея жавоб берди.

Туронбека ЖАББОРЛИ, талаба.



“БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС!”

Альберт Эйнштейн шундай деган эди: “Хар қандай кашфиёт “Бўлиши мумкин эмас!” деган сўзлар билан бошланади”. Бу гал яна ажойиб ихтирочилик ва ихтиролардан қизиқарли далиллар келтираемиз.

Римликлар оддий тангани маъбудлар Сатурн, Янус ва қирол Помпели ихтиро қилган дейдилар. Ҳатто, Юнона маъбудасининг лақаби “танга” бўлган деб даъво қилишади. Лекин, танга пуллар шубҳасиз оддий одам томонидан ихтисодий эhtiёж туфайли ўйлаб топилган. Нима бўлганда ҳам Николо Франсуа Аппер ўз ихтироси учун олтин медаль олибгина қолмай, “Инсоният химоячиси” деган буюк номга ҳам мушараф бўлган. Унинг ихтироси – оддий оқат сақланадиган консервалар эди.

1901 йилда англис олими Хурберт Бут эса ўз уйдаги гиламга рўмолчасини ташлаб, устига юзини босади ва чуқур нафас олади. Натижада эса, ўзининг буюк ихтироси пилесос, яъни чангютгични кашф этади.



Одатда, бир кашфиётни бир одам қилади. Аммо, 1971 йилда Америкада чоп этилган “Ридерс дайжест” журналида бир ихтирони ўйлаб одам қилганлиги ҳақида ёзилган. Бу мақолани журналист “Попов синдроми” деб номлаган. Ундаги маълумотларга кўра, Италияда Маркони, Германияда Браун, Францияда Бранли, Югославияда Тесла каби олимлар ўз ватанларида радиони ихтиро қилишган. Бироқ, бирор янгилик-кашфиётни дунё ҳамжамияти тан олиши учун расмийлик зарур. Яъни, ҳар қандай ихтиро учун патент олиш масаласи кўндаланг туради.

Яна бир ихтиронинг тарихи қизиқ кечган. Швециянинг Стокгольм шаҳри марказий вокзалидан ҳар куни 250 минг киши ўтиб қайтар экан. Уларнинг танасидан эса доимо иссиқлик таралиб туради. Муҳандислар одам танасидан таралаётган энергияни махсус вентиляция тизими қувурларига етказиш механизмини ўйлаб топилган. Қувурлар орқали эса бутун бинони иситиш имкони пайдо бўлган! Мазкур технология асосида вокзал биноларини иситиш учун сарфланаётган харажатлар 20 фоизга камайган. Бу ҳозирда дунё бўйича яратилаётган ихтиролардан бир томчи, холос.

Кашфиётлар, ихтиролар, албатта, тараққиёт тезлашуви учун хизмат қилади. Ихтироларга эса янгича ёндашувлар ҳам топилади. Бу борада машур олим Сид Сизарнинг ҳикматли сўзини эсламоқ ўринли: “Битта ғилдираки ихтиро қилган одам аҳмоқ. Қолган учтасини ихтиро қилган эса донодир”.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.



ОВСИН ОТТАН ТОШ ЗАҲРИ

Жияним Мунира жуда меҳнатқаш, пазанда қиз бўлиб ўсди. Уни яхши бир хонадонга узатдик. Кайнона-қайнотаси кексайиб қолган бўлса-да, ғайратли кишилар эди. Ҳовлиларида бог яратиш, куни бўйи экин парвариши, ҳосил йиғиш ишлари билан банд бўлишарди. Улар Мунирага меҳр қўйишди. Аммо қайнота-қайнонасининг қизимизга бўлган илиқ муносабатини кўра олмаган овсини Ҳабиба орага совуқчилик солишга ҳаракат қила бошлади. Муниранинг муомаласи ва ишларидан айб тополмагач, эрига уни ёмонлаб, у ҳақда турли тухмат гапларни айтиб, ака-уканинг ўртасига нифоқ солди. Катта ўғлини қудаларимиз ўзларидан кейин оиланинг суянчиги деб билишарди. Ҳабиба эса уни тинимсиз “эговларди”. Охир-оқибатда уйларида жанжал аримай қолди. Жиянимнинг ҳомиладорлик даври оғир кечди. Боласи туғилгач... икки кундан кейин нобуд бўлди. Маълум бўлишича, овсини Мунирага: “Сен қайнота-қайнонамга ёқишга ҳаракат қилганинг билан бу уй менинг ўғилларимга қоли-

ши керак, сени барибир кеткизаман”, деб дағдага қиларкан. Кўп асабийлашгани оқибатида жияним бир неча марта ҳушидан кетган ва бу ҳолат болага салбий таъсир қилган экан. Буни эшитган поччам қизим у хонадонга бошқа қадам босиб бормайди, қув ёлоҳида уй олсин, кейин хотинини олиб кетади, деб шарт қўйди. Ҳам оиласидан, ҳам фарзандидан ажралган жияним анчагача ўзига келолмай юрди. Лекин қувимиз бирор мартаям Муниранинг ҳолидан хабар олмади. Беш ойдан кейин ажрашиш учун судга ариза берганлиги ҳақидаги хабарни эшитдик... Овсин овсинга тош отади, деган гап беҳудага айтилмаган экан. Мунира яқинда **39 ёшга** кирди. Яна оила қуриб, бахтли бўлишдан умидвор. Турмушидан ажрашган ёки аёли оламдан ўтган, ҳаётнинг пасту баландини кўрган инсон учраса, жиянимни бахтли қилади, деган умиддамиз. Агар фарзандлари бўлса, Мунира оналик меҳрини беришга тайёр.

АДОЛАТ хола,
Қашқадарё вилояти.

ЭНДИ УЙЛАНСАМ БЎЛАДИ

Ота-онам кеч турмуш қуришган экан. Биз фарзандлар вояга етгунимизча улар анча кексайиб қолишди. Опамни узатганимиздан сўнг отам оламдан ўтди. Онаминг саломатлиги ёмонлашди. Мен коллежни тамомлаб, ишга жойлашдим. Укамга ўқиб, бир қасбнинг эгаси бўлиб олиши учун шароит яратишга ҳаракат қилдим. Бу орада ҳар қанча даволатсак ҳам, онаминг аҳволлари оғирлашиб, юролмай қолдилар. Уйимизга рўзгор ишларида кўмакчи бўладиган келин керак эди. Аввал укамни уйлантириб, кейин оила қураман, деб туриб олдим. Минг шукурки, ҳозир унинг бир ўғли бор. Келиним ҳам жуда тарбияли. Онаминг ҳусларини олиб юрибди. Онам: “Кўзим очиклигида уйлансанг, болаларингни кўрсам”, дейди. **Ёшим 37 да**. Радиомуҳандисман. Узимникига ўхшаш сабаблар боис оила қурмай юрган қизлар бўлса, овоз берсин.

АСҚАРЖОН,
Тошкент вилояти.

ҚУДАЛАРИМ МЕНИ ТУШУНАР...

Турмуш ўртоғим вафот этганига ўн йил бўлди. Икки қиз, уч ўғлим бор. Ҳаммалари оилали. Пенсияга чиққанамга тўрт йилдан ошди. Ҳозир кенжа ўғлим билан яшайман. Келиним ҳам, ўғлим ҳам ишга эрта кетиб, кеч қайтишади. Набираларимни боғчага қўйиб келгач, кечгача уйда бир ўзим қоламан. Уч-тўрт йил аввал фарзандларим: “Ойи, биз розимиз, агар истасангиз турмушга чиқинг”, дейишганида, бу гапни қудаларим эшитса, уят бўлар, деб андиша қилгандим. Бандаси ёлғиз қолисан экан. Айниқас, киши кексайганида бир ҳамсуҳбатга муҳтож бўларкан. “Оила ва жамият” газетаси орқали танишиб, турмуш қураётганлар орасида мен тенги аёлларнинг ҳам борлигини ўқиб қоламан. Шу боис ўзим ҳақимда маълумот беришни лозим топдим. **Ёшим 58 да**. Қолган умримни фарзандларидан тинган, очикқўнғил бир инсон билан ўтказиш орузидаман.

МУҲИБА опа,
Бухоро вилояти.

СЕМИЗЛИК АЙБ ЭМАС-КУ!

Тақдир мени жуда кўп сийлаган. Турмуш ўртоғим оилапарвар, болажон инсон. У киши билан бир ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказдик. Ўқитдик, хунарли қилдик. Ҳозирда келиним билан бирга уйда тикувчилик цехини бошқарамиз. Маҳалламиздаги йигирмага яқин қизларни ишга олганмиз. Икки нафар набиранинг семимли бувижониси бўлиш мени янада бахтиёр қилди. Аммо ёлғиз қизимнинг бахти ҳануз очилмаётганидан ташвишдаман. Комила балаоғат ёшига етгач, тўлиша бошлади. Бу касаллик эмасмикан, деб шифокорларга кўрсатдим. Текширувлардан кейин қизимда ҳеч қандай хасталик йўқлигини, семирш эса насл сурган бўлиши мумкинлигини айтишди. Тенг-тенги билан деганларидек, ўзига ўхшаш йигитлар бўлса, тақдирини боғласак деган умидда мурожаат қилаяман. Комиланинг **ёши 27да**. Моҳир тикувчи, Оила қуриб, бахтли бўлишига чин диндан ишонаман.

МОҲИЧЕҲРА опа,
Сирдарё вилояти.

МИННАТДОРЧИЛИК

- Ассалому алайкум, мен Жиззахдан Содиқжонман.
- **Марҳамат, эшитамиз сизни.**
- Тахририятдан газетанинг 9 июлдаги 24-сонида ўзи ҳақида маълумот берган Шаҳноза исмли қизнинг манзилини олудим.
- **Хўш, янгилик борми?**
- Албатта, Шаҳноза билан учрашдим. У кўнглимдагидек қиз экан. Ота-оналаримиз ҳам бир-бирларига маъқул келиб, тўй ҳаракатини бошлаб юборишди. Сизларга ҳам бу хушxabарни етказиб, ўз миннатдорчилигимни айтай, деб кўнгирақ қилаяман.
- **Бахтли бўлинглар!**

ЎЙМАДА АРЗОН ДЕМАНГ



Огоҳ бўлинг!

Уйда, кўчада ёки бошқа жойда, касбимиз тақозосига кўра, кундалик озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар қай ҳолатдалиги диққатимизни тортади. Давлат Санитария эпидемиология назорат Маркази санитария-гигиена лабораториясида бозор ва дўконлардаги, ошоналар, мактаб, боғчалардаги болалар озиқ-овқатларининг доим сифат таркибини текшириб, исътомолга яроқлилиги белгилаб борилади.

Аслида ҳар бир сотувчи ва харидор санитар-гигиена маданият тушунчасига эга бўлиши лозим. Масалан, серкатнов автомобиль йўлларидаги бир қатор новвойоналарда бир-биридан чиройли, мазали нонлар ёпишади. Йўл-йўлакай ҳайдовчилар, йўловчилар улардан харид қилишади, лекин нон юзига йўлдан чиққан чанглар, тутун зарралари, микроблар ёпишаётган экан, деган савол уларнинг хаёлига келмайди, албатта. Баъзан нонларни анча қирланиб қолган дастурхонларга чиройли қилиб тахлаб, ёйиб қўйишади. Устига ҳеч бўлмаганда бир қават дока ёйиб қўйишса бўлади-ку, дейсиз беихтиёр. Шошилиб турган ҳайдовчи ювилмаган қўл билан бир нечта нонни ушлаб ҳам кўради. Шу туфайли қанча микроб ва бактериялар унинг қўлидан нонга «қўниб» қолиши мумкин. Санитария-гигиена қоидалари инсон соғлигига таъсир этувчи ҳар бир омилни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, «Санитар-гигиена маданият» дегани тозалик ва соғлиқ маданиятидир, десак муболаға қилмаймиз. Бу муҳим тушунча ёшлик-

дан, боғча боласидан бошлаб, коллеж ўқувчисигача ўргатиб борилиши бежиз эмас. Шу билан бирга, кишилар бир-бирларига ойна мисоли бўлиб, кўпинча арзимас деб саналадиган бу каби жиҳатларни бир-бирларига эс-латиб турмоқлари лозим.

Бозорларда, жумладан, «Кўйлик» озиқ-овқат бозори йўлақларида,



одамлар серкатнов жойларда, одатда, кечки пайтларда ер ости йўлакчасида мева-чевалар ҳамда кийим-кечаклар сотишаётгани кўзга ташланади. Улар орасида болалар кийим-кечаклари ҳам бор. Одамлар йўлакдан ўтаётганда, улар тили билан айтганда, «ёйма»даги оёқ-кийимдан тортиб ички кийимларгача ёйиб қўйилганига бефарқ бўлишмайди. Арзонгина экан, деб қарашади. Аммо «арзон — иллатсиз бўлмас», деб бежиз айтишмаган.

Кийимлар янги бўлса-да, ўтаётган йўловчиларнинг қадамларидан чиқаётган чанг ва губорлар ўша кийимларга ёпишади-ку! Колаверса, янги кийимни ким ҳам ювиб қияди, дейсиз! Бундай ҳолатда тери орқали турли касалликларнинг микроб, вируслари танага юқиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳатто сил касаллиги таёқчалари ҳам ерга тушган туфук орқали инсон танасига кириши мумкин ва натижада унда ўта хавфли касаллик келиб чиқиш эҳтимоли юқори. Бирок, йўл-йўлакай озиқ-овқат, кийим-кечак сотиб олаётганда деярли кўпчилик шулар ҳақида ўйлашмаслиги тайин.

Демак, ҳар биримиз бирор нарса харид қилаётганда махсулотни қаердан ва қай ҳолда сотиб олаётганимизга жиддий қарашимиз шарт. Сотувчининг ҳам, харидорнинг ҳам савдо ва харид қилиш борасида маданияти бўлмоғи, буни ўрганмоғи лозим. Соғлигимиз ўз қўлимизда деганидек, ҳар бир инсоннинг саломатлиги аввало унинг ўзига боғлиқ эканини унутмайлик.

Хусниддин МУҲАММЕДОВ,
Тошкент шаҳар, Бектемир тумани ДСЭНМ бош врач.
Муқаддас АШИРОВА,
Бектемир тумани ДСЭНМ санитария-гигиена лабораторияси врач-лаборанти.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Жанубий Кореяда таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган мамлакат очик чемпионатида Ўзбекистон таэквондочилари муваффақиятли иштирок этишди.

Дунёнинг етмишдан зиёд давлатидан 2000 нафардан ортиқ спортчи қатнашган мусобақанинг кўруги йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган бахсларда спортчиларимиздан Ниёз Пўлатов, Саидолим Нўъмонов, Шаҳбоз Шофайзиев ўз вази тоифасида барча рақибларини енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Давлатжон Давронов ва Нигора Турсункулова бронза медал билан тақдирланди.

Кадетлар ўртасидаги мусобақада Мадина Рўзиева иккинчи, Ирода Миртожиева, Абдурахмон Зокиржонов ва Олег Тай учинчи ўринни эгаллади. Катталар ўртасида Никита Рафалович кумуш, Наталья Маматова бронза медални қўлга киритди.

Таэквондо «пумсе» йўналиши бўйича Мавлонжон Рустамов ва Нодирахон Шермухамедова олтин, Мафтуна Толипова кумуш, Баҳодир Аловхон, Зафарбек Сатторов ва Машрабжон Бозорбоев бронза медалга сазовор бўлди.

ХАВИ «БАРСА»ДАН КЕТМОҚДА

«Барселона» клубининг афсонавий ярим ҳимоячиси бўлган Хави Эрнандес ўз жамоасидан кетиш ҳақида қарор қабул қилди ва АҚШнинг «Нью-Йорк Сити» клубига ўтмоқда.

Sport нашрининг хабарига кўра, 24 июль кунигача барча расмий ишлар ниҳоясига етди.

Хави ва «Барселона» раҳбарияти ўзаро келишувга эришди. Шу жумладан молиявий жиҳатлар ҳам ечим топти.

Эслатиб ўтамиз, Хавининг йилига 24 миллион евролик маоши, яна икки йиллик шартномаси бор эди. Футболчи шу пуллардан озроғини бўлса ҳам олиб қолиши истаётганди.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН!

Олмасор тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган, молия ҳўжалик фаолиятини олиб бормаётган «STROY-INDUSTRIYA» СТИР 204806941 кўшма қорхонаси Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 26 мартдаги №10-1417/352(21)-т-сонли ҳал қилув қарорига асосан тугатилаётганлиги сабабли қорхонанинг таъсис ҳужжатлари, Давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома, думалоқ муҳр ва бурчак штампни БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Даъволар 2 ой мобайнида куйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар Олмасор тумани Қорасарой кўчаси, 269-уй.

Тел.: 140-94-30.

ВАСИЯТНОМА ШАРТИ

Қандай тартибдаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади?

А. Ниязов,
Бекобод шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1126-моддасига асосан: «Куйидаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади:

касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларида директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузиб юрган вақтидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

кидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялардаги фуқароларнинг ана шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган васиятномаларга нисбатан ушбу Кодекснинг 1125-моддаси қоидалари қўлланилади, васиятномани нотариал тасдиқлаш тўғрисидаги талаб бундан мустасно.»

Саволга Бекобод шаҳар ДНИ катта нотариуси Гулзира ШАРИПОВА жавоб берди.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

Фарзандликка олиш неча ёшгача бўлган болаларга нисбатан татбиқ этилади?
С. Фазлиддинова.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддасида белгиланишича:

«Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфатларини кўзлаб йўл қўйилади.» Шунингдек, ушбу Кодекснинг мазкур моддасида: «Ака-укалар ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди, фарзандликка олиш болаларнинг манфатларига мувофиқ келган ҳоллар бундан мустасно», деб алоҳида қайд этилган.

Саволга Олмалик шаҳар ФХДё бўлимнинг 1-тоифали инспектори Барно МАМАЖОНОВА жавоб берди.




Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамағатаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмун учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором МАТКАРИМОВА.
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ.
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 737. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади — 6744. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибнат: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5